

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Дори-дармонларингизнинг бирортасида яхшилик бўлса, албатта у: асал ичишда, меҳжамнинг тилишида (ҳижомада), ўт билан куйдиришдадир. (Аmmo мен) ўт билан куйдириб даволанишни яхши (хуш) кўрмайман», - деб айтаётганларини эшитганман», - дедилар.

Имом Бухорий ривоят қилган

Бугунги замон тиббиёти асал ва ҳижоманинг нақадар яхши дори эканини баралла таъкидламоқда. Асал билан даволайдиган шифохоналар кўпайиб бормоқда. Ҳижома қиладиган шифохоналарнинг эса саноғига етиш қийин.

**Абдуддоим Каҳел мақоласи ва бошқа манбалар асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.